# Qishloq hayoti

**2009 йил** Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили

Қишлоқ ҳаёти

ISSN 2010-7021

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi www.qishloqhayoti.uz

2009 YIL 27 NOYABR, JUMA, 140 (7601) - son

1974 yil 1 yanvardan chiqa boshlagan

Bahosi kelishilgan narxda.




"Ўзкимёсаноат" давлат акциядорлик компанияси томонидан ҳар йили ўтказиб келинаётган тармоқ корхоналарида ишлаб чиқарилаётган минерал ўғитлар, дефолиантлар ва бошқа кимё маҳсулотлари ярмарка савдолари кооперацион алоқаларни мустаҳкамлаш, ҳамкорликни кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этаётир. 2



Ёшларимизнинг билим олиши учун кенг имкониятлар яратилганлиги боис улар орасида истеъдодини намойиш этаётган ва олдига қўйган мақсадига эришаётган ёшлар сони кўпайиб бормоқда. Хусусан, илм-фан, адабиёт, санъат, спорт йўналишларида катта ютуқларга эришаётган ёшларнинг фаолиятлари таҳсинга лойиқ. 3



Отларнинг исириқ ўсимлигига "тобе"лигини ёши улуғ отахонлар шундай изоҳлашади: "Агар отни исириқ ўсиб турган жойга боғлаб қўйсангиз, у ўз ўрнида қимирламай тураверади. Ҳатто ўсимликнинг тана қисмини қимирлатишдан ҳам қўрқади. Чунки от исириқдан тараладиган хушбўй исга маст бўлиб қолади". 4

саҳифаларда саҳифаларда саҳифаларда саҳифаларда саҳифаларда саҳифаларда саҳифаларда саҳифаларда саҳифаларда саҳифаларда саҳифаларда саҳифаларда саҳифаларда саҳифаларда саҳифаларда саҳифаларда саҳифаларда саҳифаларда саҳифаларда саҳифаларда

# АГРОСАНОАТ УЧУН ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР



**Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, Фермер хўжаликлари ҳамда Ёғ-мой ва озиқ-овқат саноати уюшмалари ҳамкорлигида ўтказилаётган "Uzagroexpo-2009" бешинчи халқаро кўргазмасида агросаноат соҳасидаги техникалар, озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш технологиялари, музлаткич ва совутқичлар жиҳозлари, савдо шохобчалари ҳамда умумий овқатланиш жойлари учун жиҳозлар намойиш этилмоқда.**

Кўргазмада дунёнинг 20 давлатидан 70 га яқин компания ва фирмалар иштирок этмоқда. Унда республикамизнинг кўпгина ҳудудларидан келган фермер, қишлоқ хўжалик мутахассислари иштирок этишиб, турли хил техника ва технологиялар учун фирма ва компаниялар билан шартномалар имзолаш, тажриба ва малака ошириш имконига эга бўлишаётир.

Кўргазмада намойиш этилаётган гўшт, сут, мева-сабзавотни қайта ишлаш технологиялари мамлакатимизда замонавий технологиялар билан жиҳозланган корхоналар кўпайиши баробарида янги иш ўринлари яратиш имконини беради. Энг муҳими, қишлоқда саноатни ривожлантиришда катта аҳамият касб этади.

Ушбу тадбир доирасида ташкил этилган "CHOY va QAHVA-2009" тўртинчи ихтисослаштирилган кўргазмаси ҳам иштирокчиларда ажойиб таассуротлар қолдираётир. Кўргазмада маҳаллий бозорда фаолият юритаётган ҳамда энди кириб келаётган компаниялар маҳсулотлари билан иштирок этишмоқда.

**Рашид ГАЛИЕВ олган сурат.**

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ҚАРОРИ*

## 2009 ЙИЛ 5 ДЕКАБРЬ ШАНБА ДАМ ОЛИШ КУНИНИ 2009 ЙИЛ 7 ДЕКАБРЬ ДУШАНБАГА КЎЧИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кунини нишонлаш муносабати билан ҳамда аҳолининг дам олиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш ва иш вақтидан оқилона фойдаланиш мақсадида:

2009 йил 5 декабрь шанба дам олиш куни 2009 йил 7 декабрь душанбага кўчирилсин.

5 декабрь шанба куни иш куни деб эълон қилинсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И.КАРИМОВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2009 йил 25 ноябрь*

## САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

**Муборак Қурбон ҳайити муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номига қатор хорижий мамлакатлар ва халқаро ташкилотлар раҳбарларидан самимий қутловлар келмоқда.**

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Сиз ва Ўзбекистон халқи муборак Қурбон ҳайитини нишонлаётган ушбу кунда Америка халқи ва шахсан ўз номимдан йўллаётган энг эзгу тилакларимни қабул қилгайсиз.

Муқаддас анъаналардан келиб чиқиб, умид қиламанки, биз бутун дунёда эркинлик ва тинчликка эришиш йўлидаги ҳамкорлигимизни давом эттираверамиз.

Сизга ва Ўзбекистон халқига бахт-саодат ҳамда равнақ тилаб қоламан.

Эҳтиром ила,

**Барак ОБАМА,**
**Америка Қўшма Штатлари Президенти**

**Шу жумладан:**

**Кувайт Давлати Амири Шайх Сабоҳ ал-Аҳмад ал-Жобир ас-Сабоҳ;**

**Уммон Султони Қобус бин Саид;**

**Иордания Подшоҳи Абдуллоҳ Иккинчи бин ал-Ҳусайн;**

**Яман Республикаси Президенти Али Абдуллоҳ Солиҳ;**

**Афғонистон Ислом Республикаси Президенти Ҳомед Карзай;**

**Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмон;**

**Озарбойжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев;**

**Бошқирдистон Республикаси Президенти Муртазо Раҳимов ва**

**МДҲ Динлараро кенгаши ҳамраиси, Кавказ мусулмонлари бошқармаси раиси Шайх-ул-ислом Оллоҳшукур Пошшозода томонидан йўлланган табрикларда қодир Аллоҳдан давлатимиз раҳбарига мустаҳкам сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, Ўзбекистон халқига тинчлик-хотиржамлик, тараққиёт ва фаровонлик тилаб, эзгу ва самимий истаклар билдирилган.**

**Табриклар келиши давом этмоқда.**

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотуҳу,

Ҳурматли Президент Жаноби Олийлари,

Сизни ва юртдошларимизни улуғ айём — Қурбон ҳайити билан ҳожиларимиз номидан самимий муборакбод этамиз.

Истиқлол шарофати билан динимиз арконларини эмин-эркин бажо келтириш учун барча шароитлар, хусусан, Ватанимиздан муборак ҳаж сафарига бораётган фуқароларимиз учун яратиб берилаётган қулай имкониятларни Сизнинг оталарча ғамхўрлигингиз намунаси, деб биламиз.

Мустақиллик йилларида миллий ва диний қадриятларимизни тиклаш ва асраб-авайлаш, юртимиздан етишиб чиққан буюк алломалар қадамжоларини обод этиб, уларга янгича салобат бахш этиш борасида амалга оширилган эзгу ва хайрли ишлар халқимизни янада улкан зафарлар сари руҳлантирмоқда.

Биз, ўзбекистонлик ҳожилар Маккаи мукаррама, Мадинаи мунаввара каби муқаддас заминларда туриб, Сизнинг раҳнамолигингизда мустақил юртимиз ҳамиша омон, элимиз тинч, турмушимиз янада фаровон бўлишини Яратгандан илтижо қилиб сўрамоқдамиз.

Сизга, муҳтарам Президент Жаноблари, Аллоҳ таолодан мустаҳкам саломатлик, бахт-саодат тилаб, халқимиз ва гўзал диёримизни ҳамиша Ўз паноҳида асрашини сўраб дуолар қилиб қоламиз.

**Ўзбекистон ҳожилари номидан муфтий** **У.АЛИМОВ**

*Макка шаҳри, Арафот водийси,*
*2009 йил 26 ноябрь*

## Куннинг муҳим воқеалари

▶ "O'zbekiston havo yo'llari" миллий авиакомпанияси авиапаркига ўзимизда ишлаб чиқарилган яна битта янги модификациядаги "Ил -114 -100" самолёти қўшилди. "В.П.Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси" давлат акциядорлик жамиятида ишлаб чиқарилган ушбу қулай лайнер тўлиқ модернизация қилинган. У синовдан муваффақиятли ўтди.

▶ Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси кенгашида ходимлар, талабалар ва ўқувчи ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, фуқароларнинг мурожаатлари билан ишлаш юзасидан касаба уюшмалари идоралари томонидан олиб борилаётган ишлар ва бу йўналишдаги долзарб вазифаларга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

▶ Ўзбекистон фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш "Нуроний" жамғармасида Бош қомусимиз қабул қилинганининг 17 йиллигига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

▶ Бухоро вилоятининг Шофиркон тумани марказида "Нажмиддин Наимжон" корхонасининг янги технологик ускуналар билан жиҳозланган нон ва нон маҳсулотлари цехи фаолият бошлади.

# БОЛАЛАРГА БАҒИШЛАНГАН ХАЛҚАРО ФОРУМ

**Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ёшларнинг салоҳиятини рўёбга чиқариш, уларнинг Ватанимиз келажаги учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир, том маънодаги ҳал қилувчи кучга айланиши борасида ғамхўрлик ва эътибор кўрсатиш юртимизда барча соҳаларда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларнинг пировард мақсадини ташкил этади.**

"Ҳар бир фарзандга меҳр-эътибор!" ҳафталиги доирасида пойтахтимизда бошланган "Болаликдан улғайиш сари: ижтимоий ҳимоя, ижтимоий иш, ижтимоий интеграция" мавзуидаги халқаро форумда бу йўналишдаги долзарб масалалар атрофлича таҳлил этилиб, истиқболдаги чора-тадбирлар белгилаб олинди. Форум Республика Болалар ижтимоий мослашуви маркази, "Sen Yolg'iz Emassan" Республика жамоатчилик болалар жамғармаси, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирликлари, Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ, ЮНЕСКО, ЮНИСЕФ каби халқаро ташкилотларнинг юртимиздаги ваколатхоналари билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Форумда юртимизнинг ижтимоий ҳимоя, таълим, ҳуқуқ, соғлиқни сақлаш тизими мутахассислари, педагоглар, психологлар, Меҳрибонлик уйлари ва махсус мактаб-интернатлар раҳбарлари, шунингдек, АҚШ, Арманистон, Буюк Британия, Исроил, Россия, Украина каби давлатлардан эксперт ва мутахассислар иштирок этди.

БМТ Тараққиёт дастурининг мамлакатимиздаги доимий вакили Анита Нироди, ЮНИСЕФнинг юртимиздаги ваколатхонаси раҳбари Маҳбуб Шариф, ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Хорхе Эспинал Ўзбекистонда ёш авлоднинг таълим олиши, маънавиятини юксалтириш, ижтимоий ҳимоялаш, жамиятнинг фаол аъзоларига айлантириш юзасидан салмоқли ютуқларга эришилганини, бу йўналишдаги эзгу ишлар халқаро миқёсда ҳам эътироф этилаётганини таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири Ғ.Шоумаров, соғлиқни сақлаш вазири А.Икромов, олий ва ўрта махсус таълим вазири А.Парпиев, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазири вазифасини бажарувчи А.Ҳаитов, Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ директори А.Саидов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан истиқлол йилларида ёшлар ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларга билим ва тарбия бериш, саломатлигини мустаҳкамлаш, ижтимоий ҳимоялаш, ўз қизиқиши ва лаёқати, ижодий-интеллектуал салоҳиятига мос касб-ҳунар эгаллашида янгича тамойилларга, аввало, миллий анъана ва тафаккуримиз, жаҳон андозаларига асосланган ўзига хос мукаммал тизим яратилганини таъкидладилар. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мустаҳкамлаб қўйилган асосий тамойиллар, "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги, "Таълим тўғрисида"ги қонунлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

(Давоми 2-саҳифада)

# КИТОБ ВА МУТОЛАА БАЙРАМЛАРИ

**НАВОИЙ** шаҳридаги Абдулла Қодирий номидаги Ахборот-кутубхона марказида ташкил этилган Китоб байрамида "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси, Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа уйи, Чўлпон номидаги нашриёт-матбаа уйи, Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси давлат илмий нашриёти, "Ўқитувчи" нашриёт-матбаа ижодий уйи, "Янги аср авлоди" нашриёт-матбаа уйлари томонидан чоп этилган мактаб ўқувчиларининг дарсликлари, илмий ва бадиий асарлар кўргазмаси намойиш этилди.

Китобхонларнинг ҳақиқий байрамига айланган ушбу анжуманда мамлакатимизда мактаб ўқувчилари учун дарсликлар яратиш тизими изчиллик билан такомиллашиб бораётгани алоҳида таъкидланди. Мактаб дарсликларининг чоп этилиш сифати ва ўқувчиларга дарсликларнинг ижара тизими орқали тўлиқ етказиб берилаётгани борасида тавсиялар берилди.

**Баҳриддин САДРИДДИНОВ**

* * *

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ.** Қорақалпоқ давлат университети қошидаги 2-сонли академик лицейда умумтаълим мактаблари учун дарсликлар ва ўқув-услубий қўлланмаларнинг кўргазма-ярмаркаси иш бошлади.

Унда "Ўзбекистон", "Ўқитувчи", Чўлпон ва Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа уйлари, "Маънавият" нашриёти, "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси, Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси давлат илмий нашриёти, "Янги аср авлоди" нашриёт-матбаа ижодий уйи, "Билим" ва "Қарақалпақстан" нашриётлари томонидан чоп этилган дарслик ва ўқув-услубий қўлланмалар намойиш этилди.

— Бундай кўргазма-ярмаркаларнинг ўтказилиши таълим соҳасини ривожлантиришга, ўқувчиларнинг билим савиясини оширишга хизмат қилади, — дейди Хўжайли тумани халқ таълими бўлимига қарашли 56-умумтаълим мактабининг ўқитувчиси Зевар Мамбетназарова. — Кўргазма-ярмарка ташкилотчиларига миннатдорчилигимни билдираман.

**Давуд АБИБУЛЛАЕВ**

* * *

**САМАРҚАНД.** Республикамизнинг бошқа ҳудудларидаги каби Самарқанд вилоятида ҳам китоб байрами кўргазма-ярмаркаси ташкил этилди. "Ўзкитобсавдо" Давлат акциядорлик компанияси вилоят филиали, Матбуот ва ахборот агентлиги, халқ таълими вилоят бошқармаси ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу тадбир кенг жамоатчилик эътиборини тортмоқда.



Кўргазмада "Ўзбекистон", "Ўқитувчи", Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйлари, "Шарқ", "Маънавият" нашриётларида чоп этилган дарсликлар, ўқув ва бадиий адабиётлар, плакатлар, фотоальбомлар намойиш этилди.

Ушбу тадбир фақатгина янги чоп этилган бадиий китоблар ва дарсликларнинг кўргазмасидан иборат бўлибгина қолмасдан, китобхонлик ва мутолаа байрамларига, ёзувчи ва шоирлар билан ижодий учрашувларга, интеллектуал беллашувларга айланиб бормоқда.

**Мамадиёр ЗИЁДИНОВ**


Qishloq hayoti
Қишлоқ ҳаёти

**МУАССИСЛАР:**

*Ўзбекистон Республикаси Агросаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирликлар ва идоралар —*

**Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, "Ергеодезкадастр", Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмиталари, "Ўздонмаҳсулот", "Ўзкимёсаноат","Ўзагросуғурта", "Ўзвиносаноат-холдинг", "Ўзбекенгилсаноат", "Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг" компаниялари, "Ўзпахтасаноат", "Ёғ-мой ва озиқ-овқат саноати", Ўзбекистон фермер хўжаликлари, "Ўзагромашсервис", "Ўзгўштсутсаноат" уюшмалари, "Агробанк", "Қишлоқ қурилиш банк", Халқ банки, "Гидрометеорология" бош бошқармаси, Агросаноат ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши, "Ўздавдонинспекция", "Сифат" маркази**

Қорақалпоғистон Республикаси

# СОҒЛОМ АВЛОД КАМОЛОТИ ЙЎЛИДА

●Қарор ва ижро

Мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотлар замирида инсон манфаатларини таъминлаш, унга фаровон турмуш шароити яратиб бериш, соғлом авлодни камол топтириш сингари эзгу мақсадлар мужассам. Айниқса, аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши учун барча шароитларни яратиш, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш шу куннинг долзарб вазифаларидан биридир.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2009 йил 13 апрелдаги "Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"-ги ҳамда 2009 йил 1 июлдаги "2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида"ги қарорларида мазкур йўналишларда амалга оширилиши лозим бўлган муҳим вазифалар аниқ белгилаб берилган.

Ушбу қарорларнинг ижросини таъминлаш борасида туманимизда хотин-қизлар қўмитаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, "Маҳалла" ва "Нуроний" жамғармалари туман бўлимлари ҳамкорлигида муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Туғилиш даражасининг меъёридан ортиб кетиши ёш авлоднинг ҳар томонлама соғлом ва баркамол вояга етишида бир мунча муаммолар туғдириши сир эмас. Бу борада бизнинг туманимизда ҳам муайян муаммолар бор.

Туманимизда 13 минг 772 нафар туғиш ёшидаги аёллар бўлиб, икки ва ундан кўп фарзанди бор аёллар ўртасидаги туғуруқ кўрсаткичлари нисбатан камайиб бораётир. 2008 йилнинг ўн ойига нисбатан жорий йилда икки нафар фарзанди бўлган аёлларда бу кўрсаткич 1,5 фоизга, уч фарзанди бўлган аёлларда 0,8 фоизга камайди. Олиб борилаётган тушунтириш ишлари натижасида йил охиригача туғилишнинг интенсив кўрсаткичи сезиларли даражада камайиши кутилмоқда.

Аёллар ҳомиладорлигини барвақт рўйхатга олиш, уларни мунтазам равишда тиббий текширувдан ўтказиб туриш оналар саломатлигини таъминлаш билан бирга ногирон болалар туғилишининг олдини олади. Бу борада Нукус шаҳридаги "Оролбўйи она ва бола скрининг маркази" мутахассислари билан изчил ҳамкорликнинг йўлга қўйилгани яхши самара бермоқда. Малакали мутахассислар томонидан шу кунгача 726 нафар ҳомиладор аёл текширилди. Аниқланган нуқсонларни бартараф этиш бўйича тегишли чоралар кўрилди.

Афсуски, минтақадаги ноқулай экологик вазият ва бошқа бир қатор омиллар сабабли туманимизда ногирон болалар туғилиши учраб туради. Бу ҳолатлар туман тиббиёт бирлашмаси ходимлари томонидан чуқур ўрганилиб, таҳлил қилинди, келгусида бундай салбий ҳолатларнинг олдини олиш бўйича тегишли чора-тадбирлар белгиланди.

Исталмаган ҳомиладорликдан сақланиш учун туман бўйича 1 миллион 828 минг сўмлик контрацепция воситалари сотиб олинди. Шунингдек, Оролбўйига инсонпарварлик ёрдами сифатида юборилган дори-дармонлар, тиббий воситалар қишлоқ врачлик пунктларига етказиб берилмоқда.

Туман аҳолисига кўрсатилаётган тиббий хизмат ҳамда профилактика ишларининг самарадорлигини ошириш мақсадида туманимизда мавжуд саккиз қишлоқ врачлик пункти фаолияти қайта кўриб чиқилмоқда. Бу тиббиёт муассасаларида "Саломатлик-1" ва "Саломатлик-2" лойиҳалари бўйича замонавий ташхис қўйиш ва даволаш ускуналари ўрнатилди, зарур реагентлар билан жиҳозланди.

Ҳудудимиздаги Дарсан, Ўрнек-1 ва Кўктов овуллари аҳолисига хизмат кўрсатувчи қишлоқ врачлик пунктлари барча талабларга жавоб берадиган замонавий биноларга эга. Аммо "Қутанкўл", "Ўрнек-2", "Кердер", "Нукус" ва "Каттағар" қишлоқ врачлик пунктлари мослаштирилган биноларда жойлашган. "Нукус" қишлоқ врачлик пункти биноси эса талабга жавоб бермай қолган.

Ушбу муаммоларни бартараф этиш юзасидан аниқ вазифаларни белгилаб олганмиз. Жумладан, туман марказидан анча олисда жойлашган "Кердер" ва "Ўрнек-1" қишлоқ врачлик пунктларини келаси йилнинг май ойига қадар автотранспорт воситаси билан таъминлаш режалаштирилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 21 майда қабул қилинган "Тез тиббий ёрдам кўрсатиш тизими фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида"ги қарори асосида тез тиббий ёрдам тизими автогаражи хўжалиги моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, ёнилғи-мойлаш материаллари ва эҳтиёт қисмлар билан таъминлаш, гаражларни таъмирлаш ва қишки мавсумга тайёрлаш ишлари олиб борилди.

Аҳолига тез тиббий ёрдам кўрсатишни яхшилаш мақсадида иккита янги "Дамас" машинаси олинди. Мавжуд гаражлар таъмирланди. Ҳайдовчилар махсус иш кийими билан таъминланган. Узоқдаги аҳолига сифатли тиббий ёрдам кўрсатиш учун ташкил этилган учта пост таянч пункти фаолияти яхшиланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 26 декабрда қабул қилинган "ОИВ инфекциясининг тарқалишига қарши курашиш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори асосида туман тиббиёт бирлашмасига қарашли поликлиникада "Ишонч пункти" ишлаб турибди.

Туман "Саломатлик маркази" ходимлари, шифокорлар, ФҲДЁ бўлими, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, "Маҳалла" жамғармаси вакиллари билан ҳамкорликда турли тадбирлар уюштирилмоқда. Касб-ҳунар коллежлари ва умумтаълим мактабларида ОИТСнинг зарари, унинг тарқалиш манбалари тўғрисида маълумотлар берилиб, бу касалликнинг олдини олиш чоралари ҳақида давра суҳбатлари, учрашув ва семинарлар ўтказилмоқда. Ана шундай кенг тарғибот-тушунтириш ишлари олиб борилаётгани натижасида туманимизда шу кунга қадар ОИТСга чалинган беморлар рўйхатга олинмади.

Аҳоли саломатлигини янада мустаҳкамлаш, тиббий хизмат кўрсатиш сифати ва самарадорлигини ошириш юзасидан ишлаб чиқилган дастурга кўра туманимиздаги ҳар бир овулда, энг чекка жойларда яшовчи оилаларда ҳам аниқ белгиланган профилактика ишлари олиб борилади.

**Ерғалий СЕЙТНАЗАРОВ,**
**Нукус тумани ҳокими.**
(ЎзА)

# БОЛАЛАРГА БАҒИШЛАНГАН ХАЛҚАРО ФОРУМ

**(Боши 1-саҳифада)**

Ушбу ҳужжатларнинг ҳаётга изчил татбиқ этилиши жаҳон андозаларига мос таълим, соғликни сақлаш, ижтимоий реабилитация масканларини, оилавий поликлиникалар, болалар спорт-соғломлаштириш мажмуаларини барпо этиш, ўғил-қизларга чуқур таълим-тарбия бериш, уларнинг саломатлигини муҳофазалаш, иқтидорини юзага чиқаришга яқиндан кўмаклашиш, таълимнинг навбатдаги босқичи билан қамраб олинишини таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бу борадаги эзгу ишларда турли вазирлик ва идоралар, муассасалар билан бирга жамоат ташкилотлари ҳам муносиб ҳисса қўшаётир. Республика Болалар ижтимоий мослашуви маркази, "Sen Yolg'iz Emassan" Республика жамоатчилик болалар жамғармаси каби жамоат ташкилотлари томонидан ота-она қаровисиз қолган ўғил-қизларни ҳуқуқий, ижтимоий муҳофаза қилиш, Меҳрибонлик, Мурувват уйларига, уларда тарбияланаётган болаларга алоҳида эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш, ушбу тарбия масканларида фаолият кўрсатаётган мутахассис-кадрларнинг касб савия ва салоҳиятини янада юксалтириш юзасидан амалга оширилаётган эзгу саъй-ҳаракатлар шулар жумласидандир. Айни пайтда алоҳида ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларни ижтимоий, тиббий, психологик реабилитация қилиш, саломатлигини тиклаш ва мустаҳкамлаш, билим ва кўникмаларини ошириш, таълимдан ташқари бўш вақтини тўғри, самарали ва унумли ташкил этиш, турли бадиий ижодиёт, фан, спорт тўгаракларига жалб этиш, муайян касб ва ихтисосликка йўналтириш, ҳунар ўрганиш учун яқиндан кўмаклашиш масалалари доимий эътиборда.

— Ўзбекистонда олиб борилаётган ислоҳотлар жараёнида эришилган ютуқлар замирида аҳолини кучли ижтимоий ҳимоялаш, мамлакат иқтисодиётини тараққий эттириш каби кўплаб омиллар мужассам, — дейди Украинадаги "Every Child" ташкилоти раҳбари, ижтимоий ҳимоя соҳаси эксперти Владимир Кузьминский. — Мен дунёдаги кўплаб давлатларнинг ижтимоий ҳимоя тизими билан танишман. Ўзбекистонда аҳолини, жумладан, болаларни ижтимоий ҳимоялаш, уй меҳнатини ривожлантириш, инновацион технологияларни амалиётга кенг татбиқ этиш юзасидан ибратли ютуқларга эришилмоқда. Бу ютуқларни ҳар қанча ўрганса арзийди.

Буюк Британиянинг Тиссайд университети профессори Терренс Мёрфининг таъкидлашича, Ўзбекистонда ижтимоий ҳимоя, оилаларни қўллаб-қувватлаш, ижтимоий муҳофаза соҳаси мутахассисларини тайёрлаш бўйича амалга оширилаётган лойиҳаларнинг муваффақиятли натижалари кўплаб хорижлик экспертларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Бу йўналишда Ўзбекистондек кўпмиллатли мамлакатда олиб борилаётган ишлар самарадорлиги, изчиллиги, жадаллиги билан ҳам аҳамиятлидир.

Халқаро форумда юртимизда ижтимоий ҳимоя тизимидаги миллий қонунчиликни такомиллаштириш, ижтимоий масалаларни ҳал этишнинг янги имкониятлари, ота-она қаровисиз қолган болаларни ижтимоий ҳимоялаш, юртимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар, узлуксиз таълим, меҳнат, бандлик, ижтимоий интеграция, ёшларни ишга жойлаштиришнинг долзарб масалалари, тиббий-ижтимоий экспертиза ва реабилитациянинг ҳозирги ҳолати ва асосий тараққиёт йўналишларига оид маърузалар тингланди ва муҳокама этилди.

Форумнинг очилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Орипов сўзга чиқди.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири**

Наманган Вилояти

**Тўрақўрғон туманидаги "Ширинлик" маданият саройида Вазирлар Маҳкамасининг "Давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг жамоатчилик билан алоқаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш ҳамда "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун олдидан "Инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг кафолатлари" мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди.**

# БОШ ҚОМУСИМИЗ — ҲАЁТ ФОНУСИМИЗ

Унда Адлия вазирлигининг масъул ходимлари, суд, прокуратура, божхона, солиқ, ички ишлар идоралари, халқ таълими ва ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармалари мутасаддилари, Суд департаменти ва Адвокатлар палатаси ҳудудий бошқармалари ҳамда ФҲДЁ, нотариал идора мутахассислари, тумандаги ҚФЙ ва МФЙ раислари, маслаҳатчилари, ўрта мактаб, коллежларнинг маънавият ишлари бўйича директор ўринбосарлари, мусулмонлар идораси вилоят бўлими вакиллари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этишди.

— Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга оид жами 234 та шикояти кўриб чиқилди, — деди вилоят адлия бошқармаси бошлиғи Ш.Маҳмудов. — Йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш мақсадида, тегишли ташкилот ва муассасаларга 23 та тақдимнома киритилди. Давлат бошқаруви органлари, ташкилот ва муассасаларнинг 7 та қарори ижроси бекор қилиниб, 37 нафар айбдор шахс интизомий жавобгарликка тортилди. Шунингдек, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга бағишланган 306 мингга яқин турли мавзудаги ҳуқуқий тарғибот ишлари амалга оширилди.

Йиғилишда сўзга чиққанлар томонидан Адлия вазирлиги тизимига кирувчи муассасалар фаолиятини ОАВда кенг ва сифатли ёритишга оид фикр-мулоҳазалар билдирилди. Ҳуқуқий саводхонликни янада ошириш борасидаги қизғин мулоқот чоғида иштирокчилар томонидан бош Қомусимизнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаётимизда тутган ўрни ниҳоятда аҳамиятли эканлиги яна бир бор таъкидланди. "Ҳуқуқ билимдонлари" беллашуви Республика босқичи ғолиблари намойиш этган саҳна кўриниши анжуман иштирокчиларида катта таассурот уйғотди.

**Маъмур МУСУЛМОНОВ**

# ТАРМОҚ КООПЕРАЦИЯСИ САНОАТ РАВНАҚИ ХИЗМАТИДА

**Мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида саноатни ривожлантириш, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Барчамизга маълумки, ишлаб чиқариш, қайта ишлашнинг йўлга қўйилиши хомашёга нисбатан икки баравар кўп фойда келтиради. Шунингдек, ишлаб чиқаришнинг маҳаллийлаштирилиши импорт маҳсулотларни камайтириш баробарида янги иш ўринлари яратилишига имконият яратади, экспорт салоҳиятини оширади.**



Тармоқларни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш ўз натижасини бермоқда. Президентимизнинг "Ички тармоқ ва тармоқлараро саноат кооперациясини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони саноатнинг тармоқ ва тармоқлараро ривожланишига хизмат қилмоқда.

"Ўзкимёсаноат" давлат акциядорлик компанияси томонидан ҳар йили ўтказиб келинаётган тармоқ корхоналарида ишлаб чиқарилаётган минерал ўғитлар, дефолиантлар ва бошқа кимё маҳсулотлари ярмарка савдолари кооперацион алоқаларни мустаҳкамлаш, ҳамкорликни кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этаётир.

Шу кунларда бўлиб ўтаётган ярмарка савдолари ҳам қизғин бўлмоқда. Тармоқ корхоналари томонидан таклиф этилаётган маҳсулотлар иштирокчилар — ҳамкорларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Бу галги ярмарка савдоларига кимё корхоналари томонидан минерал ўғитлардан аммофос, суперфосфат, нитрокальций фосфорли ўғит ҳамда сульфат аммоний, карбомид аммиакли аралашмаси, азот-фосфорли ўғит, суюқ суспензияли фосфор селитраси каби маҳсулотлар қўйилган.

Кейинги йилларда тармоқ корхоналарида амалга оширилган модернизация, янги йўналишларнинг ишга тушиши кўргазма савдоларида янги маҳсулотлар намойишида ўзини кўрсатаётир. Жумладан, янги барпо этилаётган Деҳқонобод калий ўғитлари заводи мамлакатимиздаги калий тузларига бўлган эҳтиёжни қондириш баробарида хорижга экспорт қилиш имконини ҳам беради. Қўнғирот сода заводи маҳсулотлари эса нафақат кимё тармоғи, балки қора ва рангли металлургия, озиқ-овқат, енгил, қоғоз саноатида, тиббиётда ҳам кенг қўлланилмоқда.

— Биз фермерларга ҳосилдорликни оширишда зарур бўладиган минерал ўғитлар бўйича кимё корхоналари билан шартнома имзолаяпмиз, — дейди Наманган вилояти "Қишлоқхўжаликкимё" ҲАЖ раҳбари Саидусмон Тошбоев. — Минерал ўғитлар учун "Фарғонаазот", "Қўқон суперфосфат" заводлари, плёнка ва турли хил истеъмол моллари бўйича "Жиззахпластмасса" корхонаси билан ҳамкорлик қилмоқчимиз.

— Кейинги йилларда экинларга суспензия усулида ўғитлар берилиши шу каби маҳсулотларга эҳтиёжни кучайтирмоқда, — дейди Навоий вилояти "Қишлоқхўжаликкимё" ҲАЖ раҳбари Тўлқин Пардаев. — Жумладан, "Максам Чирчиқ" томонидан ишлаб чиқилаётган "КАС" ўғитига фермерларнинг қизиқиши катта. Маҳсулотларни ўрганяпмиз. Ярмарка савдоларидаги янги-янги маҳсулотлар эътиборимизни тортмоқда.

Ҳамкорликни мустаҳкамлаш, ўзаро кооперацияни кенгайтиришни мақсад қилган ярмарка савдолари қизғин давом этаётир. Ташкилотчиларнинг эътирофича, савдо якунлари бўйича қарийб 210 миллиард сўмлик шартнома тузилиши кутилмоқда.

**Анвар ҚУЛМУРОДОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

Самарқанд Вилояти

**Самарқандда республика Адлия вазирлиги, вилоятдаги ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари, тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш инспекциялари ходимлари, тадбиркор ва фермерлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида "Тадбиркорлар ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда адлия идораларининг ўрни ва аҳамияти" мавзусида давра суҳбати ўтказилди.**

# ТАДБИРКОРЛАР ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИ ҲИМОЯДА

Вилоят адлия бошқармаси тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлими бошлиғи Сафар Тоғаевнинг таъкидлашича, йил бошидан буён бўлим томонидан тадбиркорларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида мутасадди идораларга 153 та тақдимнома, 51 та огоҳнома ва 41 кўрсатма киритилган. Уларнинг ижросини таъминлаш жараёнида 230 нафар мансабдор шахс интизомий жавобгарликка тортилган, шу жумладан, 22 киши эгаллаб турган лавозимидан озод этилган. Тадбиркорларнинг қонуний манфаатларини чеклаб қўйган давлат бошқарув идораларининг 71 та ноқонуний қарорлари бекор қилиниб, ижроси тўхтатилган.

Давра суҳбатида тадбиркорлар ва фермерлар ўзларини қизиқтирган кўплаб саволларга жавоб олишди.

**Мамадиёр ЗИЁДИНОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

# "ЖАҲОН" АХБОРОТ АГЕНТЛИГИДА

**2009 йил 23 ноябрь куни Россиянинг "РБК" телеканали кечки ахборот дастурида "Ўзбекистон бир ёқлама тартибда, сабабини изоҳламаган ҳолда Қозоғистон билан чегарасини ёпиб қўйди" деган хабар тарқатилди.**

Ўзбекистон томонининг фикрига кўра, ҳеч қандай асосга эга бўлмаган, очиқ бўҳтондан иборат бу хабар замирида ахборот майдонида икки яқин қўшни давлатлар — Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасида танглик вужудга келаётгандек тасаввур пайдо қилиш, турли уйдирмалар тарқатиш мақсади ётибди.

Аслида эса, гап мавсумий грипп тарқалиши туфайли, Қозоғистон томонини олдиндан огоҳлантирган ҳолда, Ўзбекистон томонидан шу йил 13 ноябрь куни эълон қилинган чегарадаги вақтинчалик карантин чекловлари ҳақида бормоқда.

Россия каналининг бу каби иғвогарона хабари таажжуб ва ҳар қандай қораловдан бошқа нарсага муносиб эмас.

**"Жаҳон" АА**

Сирдарё Вилояти

# У ШУНДАЙ ХАЗИНАКИ...

**"Бобур" паррандачилик фабрикаси кейинги тўрт-беш йилда вилоятда ишлаб чиқариш тезкор ривожланаётган, маҳсулдорлик ўсиб бораётган жамиятлардан бирига айланди.**

Биргина жорий йилнинг саккиз ойи ичида фабрика жамоаси 36 миллион 615 минг дона тухум етиштирди. Бундан ташқари, талабгорларга 3 тонна 633 килограмм парҳез гўшти етказиб берилди. Бошқача қилиб айтганда, 484 миллион 48 минг 840 сўмлик маҳсулот реализация қилинди.

Айни вақтда фабриканинг 7 та ишлаб чиқариш цехида 35 мингта товуқ, 30 мингта йирик "Ломан-Браун" зотли жўжа боқилаётир. Товуқлардан бир кунда 23 мингтадан ошиқ тухум олинаётир.

— Парранда маҳсулдорлиги парвариш ва қатъий рационга боғлиқ, — дейди ҳиссадорлик жамияти раисининг ўринбосари Шокиржон Ҳожиев. — Бунга 30 йиллик иш фаолиятимда тўла ишонч ҳосил қилганман. Товуқ озуқаси рационида бир кун ўзгариш сезилиб ёхуд омихта ем таъминоти камайиб, қувват кам бўлса, бунинг таъсири 10-15 кунга чўзилади, тухум бермай қўяди. Янада аҳамиятлиси, цехларда ҳароратни 18-20 даражада сақлаб туриш лозим. Ҳарорат ўта кўтарилиб ёки совиб кетса ҳам товуқ яхши тухум бермай қўяди. Белгиланган рационда боқилаётган, озуқасида 17 фоиз оқсил бўлиши таъминланган жўжа 140-150 кунда тухум бера бошлайди. Бордию тухумлаш фазасига ўтаётган жўжалар боқилаётган цехларда чироқ ёруғлиги белгиланган даражадан ошириб юборилса жўжа эрта тухумга кириб, ундан олинаётган маҳсулот ҳам жуда кичик бўлиб қолади. Шунинг учун жўжалар 7 ойдан ошгунча цехларда чироқларни паст, хира ёруғликда ушлаб туриш лозим.



Фабрикада олинаётган фойда асосан цехларда товуқлар сонини янада кўпайтиришга йўналтирилаётир. Ҳозир кунига 4 миллион сўмлик тухум олинаётган бўлса, келажакда она товуқлар сони 150 мингтага етказилади ва бир кунда 20 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилишга эришилади.

Фабриканинг 45 кишилик жамоаси айни вақтда бор куч ва эътиборни зотли товуқлар сонини кўпайтириш, маҳсулдорликни оширишга қаратмоқда. Бу борада айниқса, ветеринар Холмат Ўлжаев, товуқбоқар Турсуной Ҳайдарова, Зулфия Матусмонова, механик Ғофур Туроповлар бошқаларга ибрат бўлишяпти. Мўмай даромадга яраша фабрикада товуқбоқарлар моддий манфаатдорлиги ҳам яхшиланиб бораётир. Уларнинг ўртача иш ҳақи 130-150 минг сўмни ташкил этяпти. Энг асосийси, чўл бағрида шўрхок Сардоба тумани ҳудуди шароитида хонадонлар дастурхонидан қут-барака аримаётир. Ичимлик суви, газ таъминоти тўласинча ҳал этилиб, қўрғоннинг обод гўшалардан бирига айланганлигини эътиборга оладиган бўлсак, бу ерда меҳнат қадр топаётганлиги яратувчанлик ишларининг эртаси порлоқлигидан далолатдир.

**Бозорбой БЕКМУРОДОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

# YETTI IQLIMDAN BIR SHINGIL

## ФУТБОЛДАГИ БАҲС СИЁСИЙ МОЖАРОГА АЙЛАНДИ

**Ливия инқилоби раҳнамоси Муаммар Каддафий Миср ва Жазоир давлатлари ўртасида юзага келган келишмовчиликни бартараф этишда воситачи вазифасини бажаришга рози бўлди.**



Шу ҳақдаги илтимос билан Каддафийга Араб давлатлари Лигаси расман мурожаат қилди. Аслида Миср ва Жазоир ўртасидаги низо сабаби хусусида алоҳида тўхталиш жоиз. Гап шундаки, Суданнинг Хартум шаҳрида 2010 йилда футбол бўйича бўладиган жаҳон чемпионатига саралаш мусобақалар доирасида Жазоир Миср терма жамоалари куч синашганди. Бу ўйинда 1:0 ҳисобида жазоирликлар ғалаба қозонишди. Оммавий ахборот воситаларида ўйин тугагач, Хартумдаги стадионни тарк этаётган мисрлик ишқибозлар рақиб жамоа ишқибозларининг ҳужумига учради, деган хабар икки мамлакат ўртасидан "қора мушук ўтиши"га сабаб бўлди.

Ҳар икки терма жамоа сал олдинроқ Қоҳира шаҳрида ҳам ўйин ўтказган эди. Ўшанда икки томон ишқибозлари ўртасида жиддий тўқнашув юз берган, оқибатда 32 киши жароҳатланган эди. Ҳар икки давлатнинг оммавий ахборот воситаларида берилган ваҳимали шов-шувлар туфайли футбол ўйинидаги баҳс икки давлат ўртасидаги сиёсий можарога айланиб кетди. Жазоирнинг сайёҳлик компаниялари Мисрга сайр-саёҳат уюштиришни тўхтатди, ўз навбатида Миср ўз элчисини Жазоирдан чақириб олди. Жазоир ички ишлар вазири Язид Зерхуни мисрликларни катта аҳамиятга эга бўлган ўйинда спортчилар ва ишқибозлар хавфсизлигини таъминлай олмаганликда айблади. Бунга жавобан мисрликлар Жазоирни юз берган воқеаларни сунъий равишда чуқурлаштирмоқда, Миср терма жамоаси ишқибозларига нисбатан оммада тажовузкор кайфият уйғотишга уринмоқда, деб айблашди. Хуллас, халқаро сиёсат майдонида мавқега эга бирон воситачи аралашувисиз барҳам топмайдиган чалкаш вазият юзага келди. ФИФА мутахассислари томонидан эса Қоҳира ва Хартумда бўлиб ўтган ўйинларни ташкиллаштириш жараёни таҳлили бошлаб юборилди.

**Интернет материаллари асосида Жавоҳир КАРОМАТОВ тайёрлади.**

